



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «15» июнь

№ ПҚ–281

Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада паррандачилик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ички ва ташқи бозорларга йўналтириш учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, паррандачилик хўжаликларининг озуқага бўлган талабини барқарор таъминлаш механизмларини йўлга қўйиш, соҳага кенг аҳоли қатламларини жалб этиш ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, тармоқда илмий-техник ёндашувлар ва ахборот технологиясидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида:

1. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда “Паррандасаноат” уюшмасининг **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, субсидиялар ажратиш ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини фақатгина “**my.vetgov.uz**” сайтида рўйхатдан ўтган ҳамда белгиланган тартибдаги мезонларга мос келувчи паррандачилик хўжаликларига бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 декабрга қадар** “**my.vetgov.uz**” сайтини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштирсин:

паррандачилик соҳасидаги **маълумотларни тизимли таҳлил қилиш учун солиқ хизмати, статистика, божхона, ветеринария органлари** ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш;

паррандачилик хўжаликларидаги ота-оналар галаси, инкубацион тухумлар, бир кунлик жўжалар, озуқа ем захираси, паррандачилик маҳсулотлари (истеъмол тухуми), парранда гўшти ҳамда бошқа маҳсулотларни **ишлаб чиқаришдан то охирги истеъмолчига сотиш ҳажмларининг бутун занжири бўйича комплекс ҳисобга олиш**;

паррандачилик хўжаликларининг ҳақиқий ишлаб чиқариш қувватларини, шунингдек, озуқа ем маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ва субсидиялар ажратиш миқдорини аниқлаш мезонларини жорий этиш.

Молия вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ **2022 йил 1 сентябрга қадар “my.vetgov.uz”** сайтини босқичма-босқич такомиллаштириш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ғаниев, Қўчқоров) **2022 йил 1 ноябрга қадар** ушбу **бандда назарда тутилган мезонлар бўйича тартибнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.**

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 июндан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан тижорат банкларига уларнинг буюртмасига асосан жойлаштириладиган **400 миллиард** сўмгача кредит ресурслари ҳисобидан паррандачилик хўжаликлари ва парранда омукта еми ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига дон захираси яратиш учун Марказий банк асосий ставкасида **3 ойлик** имтиёзли давр билан **12 ой** муддатгача револьвер кредитлар ажратилади.

Бунда, ушбу кредит ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қуйидаги мақсадлар учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган қиймати **5 миллиард сўмдан**, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг **1,5 бараваридан** ошмаган кредитлар бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит фоиз ставкасининг асосий ставкадан ошган, **биноқ асосий ставканинг 30** фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун **3** йилгача **“2+1”** тамойилида компенсация ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг **50 фоизигача**, бироқ умумий қиймати **2,5** миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилади:

паррандачилик хўжаликлари ва парранда омукта еми ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиқиб, инкубацион тухум, бир кунлик жўжа, озукa маҳсулотлари ва унинг қўшимчалари, дори воситалари, қўшимча компонентлар, буғдой, маккажўхори, соя дони, соя ва кунгабоқар шротини захира қилишга айланма маблағларни тўлдиришга;

гўшт етиштириш йўналишидаги янги лойиҳаларни амалга ошириш, барча турдаги инкубацион цехлар, паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш технологик асбоб-ускуналарини, шунингдек, махсус техникалар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ва модернизация қилиш;

б) паррандачиликни ривожлантириш бўйича мақсадли давлат дастурлари бўйича кредит маблағлари **10 йилгача** муддатга **3 йилгача** имтиёзли давр билан ажратилади.

Бунда, асосий пода (гала)ни шакллантириш, шу жумладан инкубацион тухум, жўжалар (финал гибрид), она товуқлар ва ота-она галасини харид қилиш билан боғлиқ тадбирлар учун кредитлар инвестиция лойиҳасини молиялаштириш сифатида узок муддатга ажратилиши назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озукa базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5146-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан паррандачилик лойиҳаларини молиялаштириш учун “Микрокредитбанк” АТБга ажратилган мақсадли маблағларнинг **1-босқичидан** қайтган қисми ушбу қарорнинг **4-банди “а” кичик банди** иккинчи-учинчи хатбошиларида назарда тутилган мақсадларга **“б” кичик бандида** белгиланган муддатларда кредит ажратиш учун йўналтирилсин.

6. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг паррандачилик хўжаликлари ва парранда омукта еми ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун “Микрокредитбанк” АТБга йўналтирилган миқдоридаги маблағларини қайтариш **муддати 7 йилдан 10 йилгача 5 йиллик имтиёзли давр билан узайтирилсин.**

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4015-сон ҳамда 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5146-сон қарорларига асосан паррандачилик маҳсулотлари ва парранда омукта еми ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига уларнинг мавжуд қувватларини тўлиқ ишга тушириш, шу жумладан модернизация ва реконструкция қилиш, озуқа маҳсулотлари захирасини ташкил этиш ва айланма маблағлар билан тўлдириш учун мазкур қарор қабул қилингунга қадар ажратилган кредитларнинг қайтариш муддатини тадбиркорларнинг аризаларига кўра ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таклифларига асосан **ўн йилгача** узайтирсин.

7. Тижорат банклари паррандачилик ва омукта ем маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг қайтариш муддатларини қарздорларнинг аризаларига асосан уларнинг молиявий ҳолати ва пул оқимлари прогнози таҳлилидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

8. Молия вазирлиги **бир ой муддатда** “Паррандасаноат” уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тармоқ корхоналарига хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, соҳага хорижий мутахассисларни жалб қилиш, ходимларни ижтимоий рағбатлантириш, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни амалга ошириш учун **2023 йилнинг август-декабрь ойларида тенг улушларда қайтариш шarti билан йиллик 4 фоиз ставкада 10 миллиард сўм ажратсин.**

9. “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларига **2022 йил 1 июлдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар** даврда паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош **1 кунлик** наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун давлат томонидан ажратиладиган субсидия миқдори **12 минг сўм** этиб белгилансин.

10. Молия вазирлиги **мазкур қарорнинг 9-бандида** назарда тутилган субсидия тўловлари бўйича молиявий ресурслар ажратилишини, шу жумладан республика бюджетининг параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

11. “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва бошқа давлатлардаги буғдой ва маккажўхори дони, соя ва кунгабоқар шроти ишлаб чиқарувчи компанияларни биржа савдоларига жалб этиш чораларини кўрсин.

Бунда, “Паррандасаноат” уюшмаси хорижий компаниялар томонидан биржа савдоларига ем маҳсулотлари талабни қондирадиган ҳажмларда қўйилишини таъминлаш мақсадида паррандачилик корхоналарини биржа савдоларига жалб қилиш чораларини кўрсин ҳамда уларнинг буғдой, маккажўхори дони, соя ва кунгабоқар шроти маҳсулотларига бўлган талабини корхоналар кесимида **ҳар ой** биржага киритиб борсин.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АЖ, “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ **календарь йилнинг январь-июнь, декабрь ойларида** ҳар ойда камида **30 минг тонна** донни сотиш учун биржа савдоларига чиқариш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Паррандасаноат” уюшмаси **2022 йил 1 сентябрга қадар** республикада фаолият кўрсатаётган ҳар бир йирик паррандачилик хўжаликларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча муаммоларини, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таннарини ўргансин ҳамда ҳудудларда тухум йўналишида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг самарадорлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари **С. Холхўжаев** паррандачиликни маҳаллалар кесимида ривожлантириш ва соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилиш учун масъул этиб белгилансин ва соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан **ҳар ўн беш кунда** Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашига ахборот киритиб борсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда **2022 йил якунига қадар 1-иловага мувофиқ парранда маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш чораларини кўрсин.**

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳоқимлари “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳажмларини йил якунига қадар камида **35 фоизга** ошириб, **600 минг** тоннага етказсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5146-сон қарорига **2-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Паррандасаноат” уюшмаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б. Норқобилов ва “Паррандасаноат” уюшмаси раиси Б. Исаев зиммасига қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашига таклифлар киритиб бориш вазифаси юклансин.

Мазкур қарор ижросини таъминлашга масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосарлари Ш.М. Ғаниев ва Д.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

2022 йилда парранда гўшти етиштиришнинг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

тонна

Т/р	Ҳудудлар номи	Бройлер гўшт	Бошқа турдаги парранда гўшти	Жами парранда гўшти
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	19,8	3,2	23,0
2.	Андижон вилояти	35,5	6,5	42,0
3.	Бухоро вилояти	22,5	4,5	27,0
4.	Жиззах вилояти	26,4	3,6	30,0
5.	Қашқадарё вилояти	25,4	4,6	30,0
6.	Навоий вилояти	11,8	3,2	15,0
7.	Наманган вилояти	36,4	5,6	42,0
8.	Самарқанд вилояти	127,0	12,0	139,0
9.	Сурхондарё вилояти	10,3	4,7	15,0
10.	Сирдарё вилояти	36,4	1,6	38,0
11.	Тошкент вилояти	110,0	13,0	123,0
12.	Фарғона вилояти	54,1	4,9	59,0
13.	Хоразм вилояти	12,6	4,4	17,0
Жами:		528,1	71,9	600,0

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш
ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5146-сон
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг “а” кичик банди чиқариб ташлансин.

2. 4-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур маблағларнинг 70 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги қисми тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасида кредитлар бериш учун “Микрокредитбанк” АТБга 10 йил муддатга 5 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоиз пунктдан паст фоиз ставкада ажратилади”.

3. 5-банд “а” кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“паррандачилик хўжаликлари ва омўхта ем ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиқиб, инкубацион тўхум, бир кунлик жўжа, озуқа маҳсулотлари ва унинг қўшимчалари, дори воситалари, қўшимча компонентлар, буғдой, маккажўхори, соя дони, соя ва кунгабоқар шротини захира қилишга айланма маблағларни тўлдириш;

гўшт етиштириш йўналишидаги янги лойиҳаларни амалга ошириш, барча турдаги инкубацион цехлар, паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш технологик асбоб-ўскуналари, шунингдек, махсус техникалар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ва модернизация қилиш”.





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «15» июня

№ ПП–281

О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственной поддержки сферы птицеводства

В республике в целях всесторонней поддержки и развития сферы птицеводства, увеличения объема производства конкурентоспособной продукции для направления на внутренний и внешний рынки, создания механизмов стабильного удовлетворения потребности птицеводческих хозяйств в кормах, привлечения к птицеводству и повышения правовой культуры широких слоев населения, а также организации эффективного применения научно-технических подходов и информационных технологий в данной сфере:

1. Одобрить предложение Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства, Министерства экономического развития и сокращения бедности, Министерства финансов и Ассоциации «Паррандасаноат» о предоставлении с **1 апреля 2023 года** исключительно птицеводческим хозяйствам, прошедшим регистрацию на сайте «**my.vetgov.uz**» и соответствующим установленным критериям, прав субъектов предпринимательства, занимающихся производством птицеводческой продукции, на государственную поддержку, получение субсидий и пользование иными льготами.

2. Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций, Государственным налоговым комитетом, Государственным комитетом по статистике, Ассоциацией «Паррандасаноат» и иными заинтересованными министерствами и ведомствами в срок до **1 декабря 2022 года** усовершенствовать сайт «**my.vetgov.uz**», предусмотрев в том числе:

взаимную интеграцию информационных систем налоговой службы, органов таможенной службы, статистики и ветеринарии, а также иных заинтересованных организаций для системного анализа информации в сфере птицеводства;

комплексный учет всей цепочки от производства до реализации конечному потребителю родительского стада, инкубационных яиц, однодневных цыплят, запасов кормов, птицеводческой продукции (столовых яиц), мяса птицы и иной продукции птицеводческих хозяйств;

внедрение критериев определения фактических производственных мощностей, потребности в кормовой продукции и размера выделения субсидий птицеводческим хозяйствам.

Министерству финансов в срок **до 1 сентября 2022 года** обеспечить выделение средств, необходимых для поэтапного совершенствования сайта **«my.vetgov.uz»**, по обоснованным расчетам Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства.

Кабинету Министров (Ганиев, Кучкаров) в срок **до 1 ноября 2022 года обеспечить разработку и утверждение порядка по критериям, предусмотренным в настоящем пункте.**

3. Определить, что с 1 июня 2022 года в целях создания резерва зерна птицеводческим хозяйствам и субъектам предпринимательства, занимающимся производством комбикормов для птицы, за счет кредитных ресурсов в размере **до 400 миллиардов** сумов, размещенных Фондом государственной поддержки сельского хозяйства в коммерческих банках, по заказам данных банков выделяются револьверные кредиты на срок **до 12 месяцев, включая трехмесячный** льготный период, по основной ставке Центрального банка.

При этом погашение за счет данных кредитов других кредитов, полученных субъектами предпринимательства в коммерческих банках, не допускается.

4. Установить порядок, в соответствии с которым:

а) за счет средств Государственного фонда поддержки предпринимательской деятельности предоставляется компенсация на срок **до трех лет** по принципу **«2+1» для покрытия части** процентной ставки кредитов, выделенных коммерческими банками, стоимостью, не превышающей **5 миллиардов сумов**, процентной ставкой, не превышающей **1,5-кратного** размера основной ставки Центрального банка, **превышающей основную ставку**, но не превышающей **30 процентов** основной ставки, а также поручительство в размере до **50 процентов** кредитов, выделяемых субъектам малого предпринимательства, общая сумма которых не превышает **2,5 миллиарда сумов**, в целях:

пополнения оборотных средств птицеводческих хозяйств и субъектов предпринимательства, занимающихся производством комбикормов для птицы, на резервирование инкубационных яиц, однодневных цыплят, кормовой продукции и ее добавок, лекарственных препаратов, дополнительных компонентов, пшеницы, кукурузы, соевых бобов, соевого и подсолнечного шрота с учетом их производственных мощностей;

реализации новых проектов в направлении производства мяса, закупки и модернизации технологического оборудования всех видов инкубационных цехов, переработки и хранения птицеводческой продукции, а также специальной техники, ее запасных частей и иных основных средств;

б) кредитные средства в рамках целевых государственных программ развития птицеводства выделяются на срок до 10 лет, включая льготный период до трех лет.

При этом предусмотреть выделение кредитов на мероприятия, связанные с формированием основного стада, в том числе приобретением инкубационных яиц, цыплят (финального гибрида), кур-несушек и родительского стада, в качестве финансирования инвестиционного проекта на долгосрочный период.

5. Направить часть целевых средств, возвращенных с 1-го этапа, выделенных АКБ «Микрокредитбанк» на финансирование птицеводческих проектов, за счет средств Фонда реконструкции и развития в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 июня 2021 года № ПП–5146 «О дополнительных мерах, направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы отрасли» на цели, предусмотренные в абзацах втором и третьем подпункта «а», в сроки, предусмотренные подпунктом «б» пункта 4 настоящего постановления.

6. Продлить с 7 лет до 10 лет срок возврата средств Фонда реконструкции и развития в части, направленной АКБ «Микрокредитбанк» на финансирование проектов птицеводческих хозяйств и субъектов предпринимательства, занимающихся производством комбикормов для птицы, с пятилетним льготным периодом.

Коммерческим банкам **продлить до десяти лет** срок возврата кредитов, выделенных до принятия настоящего постановления субъектам предпринимательства, занимающимся производством птицеводческой продукции и комбикормов для птицы, в целях ввода в эксплуатацию в полном объеме, включая модернизацию и реконструкцию их действующих мощностей, а также создания резерва кормовой продукции и пополнения оборотных средств, в соответствии с постановлениями Президента Республики Узбекистан от 13 ноября 2018 года № ПП–4015 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию птицеводства» и от 14 июня 2021 года № ПП–5146 «О дополнительных мерах, направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы отрасли», по заявлению предпринимателей, на основании предложения Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства.

7. Коммерческим банкам пересмотреть сроки погашения кредитов, выделенных субъектам предпринимательства, занимающимся производством птицеводческой продукции и комбикормов, по заявлению должников в зависимости от их финансового состояния и анализа прогноза денежных потоков.

8. Министерству финансов в **месячный срок** выделить **10 миллиардов сумов по ставке 4 процента годовых** на укрепление материально-технической базы, дальнейшее улучшение качества оказания услуг отраслевым предприятиям, привлечение в отрасль зарубежных специалистов, материальное стимулирование работников, а также проведение Ассоциацией «Паррандасаноат» выставок, ярмарок и иных мероприятий **с условием возврата равными долями в августе – декабре 2023 года.**

9. Установить **размер субсидии**, выделяемой государством птицеводческим хозяйствам – членам Ассоциации «Паррандасаноат», на покрытие расходов, связанных с импортом птицеводческими хозяйствами каждого однодневного породистого цыпленка в период с 1 июля 2022 года до 1 января 2024 года, **12 тысяч сумов.**

10. Министерству финансов обеспечить выделение финансовых ресурсов на выплату средств субсидий, **предусмотренных пунктом 9 настоящего постановления**, включая внесение соответствующих изменений в параметры республиканского бюджета.

11. АО «Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа» принять меры для привлечения на биржевые торги компаний Российской Федерации, Республики Казахстан и других государств, занимающихся производством зерен пшеницы и кукурузы, соевого и подсолнечного шрота.

При этом Ассоциации «Паррандасаноат» принять меры по привлечению птицеводческих предприятий к биржевым торгам и **ежемесячно** представлять бирже их потребность в зернах пшеницы и кукурузы, продукции соевого и подсолнечного шрота в разрезе предприятий в целях обеспечения выставления на биржевые торги кормовой продукции в объеме, удовлетворяющем спрос.

12. Министерству экономического развития и сокращения бедности, АО «Уздонмахсулот» и АО «Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа» принять меры по выставлению на биржевые **торги в январе – июне и декабре календарного года для ежемесячной реализации не менее 30 тысяч тонн зерна.**

13. Председателю Совета Министров Республики Каракалпакстан и хокимамам областей, Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства, Ассоциации «Паррандасаноат» в срок **до 1 сентября 2022 года** изучить производственные мощности, объем и себестоимость производства продукции, все проблемы, связанные с деятельностью каждого крупного птицеводческого хозяйства республики, а также внести в Администрацию Президента Республики Узбекистан информацию по эффективности проектов в направлении производства яиц, реализуемых в регионах.

14. Возложить на первого заместителя министра экономического развития и сокращения бедности Холхужаева С. ответственность за развитие птицеводства в разрезе махаллей и решение вопросов финансовой поддержки сферы, а также внесение информации о проделанной работе по развитию сферы птицеводства в Республиканский совет по развитию животноводства и его отраслей каждые пятнадцать дней.

15. Совету Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятам областей совместно с Государственным комитетом ветеринарии и развития животноводства и Ассоциацией «Паррандасаноат» в срок **до конца 2022 года** принять меры по выполнению прогнозных показателей производства мяса птицы согласно приложению № 1.

При этом Председателю Совета Министров Республики Каракалпакстан и хокимам областей совместно с Ассоциацией «Паррандасаноат» в срок **до конца текущего года** **увеличить не менее чем на 35 процентов и довести объем производства мяса птицы до 600 000 тонн.**

16. Внести изменения в постановление Президента Республики Узбекистан от 14 июня 2021 года № ПП–5146 «О дополнительных мерах, направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы» согласно **приложению № 2.**

17. Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства и Ассоциации «Паррандасаноат» совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами **в двухмесячный срок** внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

18. Возложить на председателя Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства Норкобилова Б. и председателя Ассоциации «Паррандасаноат» Исаева Б. задачи по обеспечению своевременного и эффективного исполнения настоящего постановления, а также регулярному внесению предложений по решению возникающих проблем в Республиканский совет по развитию животноводства и его отраслей.

Осуществление контроля и координации деятельности министерств и ведомств, ответственных за обеспечение исполнения настоящего постановления, возложить на заместителей Премьер-министра Республики Узбекистан Ганиева Ш.М. и Кучкарова Д.А.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

ПРОГНОЗНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ
выращивания мяса птицы в 2022 году

тонна

№	Регионы	Мясо бройлеров	Другие виды мяса птицы	Мясо птицы, всего
1.	Республика Каракалпакстан	19,8	3,2	23,0
2.	Андижанская область	35,5	6,5	42,0
3.	Бухарская область	22,5	4,5	27,0
4.	Джизакская область	26,4	3,6	30,0
5.	Кашкадарьинская область	25,4	4,6	30,0
6.	Навоийская область	11,8	3,2	15,0
7.	Наманганская область	36,4	5,6	42,0
8.	Самаркандская область	127,0	12,0	139,0
9.	Сурхандарьинская область	10,3	4,7	15,0
10.	Сырдарьинская область	36,4	1,6	38,0
11.	Ташкентская область	110,0	13,0	123,0
12.	Ферганская область	54,1	4,9	59,0
13.	Хорезмская область	12,6	4,4	17,0
Всего:		528,1	71,9	600,0

**Изменения, вносимые в постановление Президента Республики
Узбекистан от 14 июня 2021 года № ПП–5146 «О дополнительных мерах,
направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы
отрасли»**

1. Подпункт «а» пункта 2 исключить.

2. Абзац четвертый пункта 4 изложить в следующей редакции:

«Часть данных средств в эквиваленте 70 миллионов долларов США предоставляется АКБ «Микрокредитбанк» сроком на 10 лет, включая пятилетний льготный период с процентной ставкой на 4 процентных пункта ниже основной ставки Центрального банка, для выделения кредитов субъектам предпринимательства по основной ставке Центрального банка».

3. Абзацы второй и третий подпункта «а» пункта 5 изложить в следующей редакции:

«пополнения оборотных средств птицеводческих хозяйств и субъектов предпринимательства, занимающихся производством комбикормов, для резервирования инкубационных яиц, однодневных цыплят, кормовой продукции и ее добавок, лекарственных препаратов, дополнительных компонентов, пшеницы, кукурузы, соевых бобов, соевого и подсолнечного шрота с учетом их производственных мощностей;

реализации новых проектов в направлении производства мяса, закупки и модернизации всех видов инкубационных цехов, технологического оборудования переработки и хранения птицеводческой продукции, а также специальной техники, ее запасных частей и иных основных средств».

